

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ХУСАНОВ НОЗИМ БАХТИЁРОВИЧ

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҲБАР ХОДИМЛАРНИ
БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШДА КОММУНИКАТИВ
КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Хусанов Нозим Бахтиёрович

Профессионал таълим тизими раҳбар ходимларни бошқарув фаолиятига
тайёрлашда коммуникатив компетентликни ривожлантириш
методикаси..... 3

Хусанов Нозим Бахтиёрович

Методика развития коммуникативной компетентности при подготовке
руководящего персонала системы профессионального образования к
управленческой деятельности23

Khusanov Nozim Bakhtiyorovich

Methods for the development of communicative competence in the
preparation of management personnel of the vocational education system for
management activities 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ХУСАНОВ НОЗИМ БАХТИЁРОВИЧ

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҲБАР ХОДИМЛАРНИ
БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШДА КОММУНИКАТИВ
КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped1894 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қурбонов Шавкат Эргашевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Туракулов Олим Холбутаевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Диссертация ҳимояси Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” ___соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100095, Тошкент ш., Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17, факс: 246-90-37, e-mail: moqt@markaz.uz)

Диссертация билан Касб-хунар таълимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100095, Тошкент ш., Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17, факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Р.Ходжабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор

Қ.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда таълим жараёнини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоқда. ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш»¹ долзарб вазифа сифатида белгиланди. Бошқарув фаолияти мазмуни, талаблари ва йўналишларини такомиллашиб бориши раҳбар ходимларни касбий фаолиятга тайёрлашда компетенциявий ва инновацион ёндашувларни талаб этмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари тезкор ривожланувчи таълим муҳитида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларнинг бошқарув фаолиятида бошқарувнинг янгича ташкилий шакллари ва усулларини излаш билан боғлиқ долзарб вазифаларни ечимини топишни тақозо этади.

Халқаро илғор тажрибаларга асосан, АҚШ, Англия, Германия, Хитой, Россия, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказларида профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимларини касбий ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, уларнинг таълимни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги малакаларини ошириш, касбий, коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш борасида салмоқли амалий натижаларга эришилган. Шунга кўра, рақобатбардош ва малакали раҳбар ходимларни тайёрлашда ҳамда малакасини оширишда замонавий таълим парадигмаларини амалиётда қўллаш катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан креатив фикрловчи, изланувчан, инновацияларни излаб топувчи ва уларни ўз амалий фаолиятида қўллай олиш компетенцияларига эга раҳбар ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини самарали ташкил этишда коммуникатив компетентликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур ҳисобланади. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларини “Interactive professionalism” каби янгича шакллар ҳамда SCAMPER (Substitute, Combine, Adapt, Modify/Magnify, Put to other uses, Eliminate, Rearrange/Reverse) каби ривожлантирувчи таълим технологиялардан фойдаланиб ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда мутлақо янги профессионал таълимини жорий этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”² устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан раҳбар

¹Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. – Б.39.

ходимларни зарурий компетенцияларини ривожлантиришнинг амалдаги методикаси ва ўқув-услубий таъминотини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тadbирлар тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон фармонлари, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2829-сон “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-tadbирлари тўғрисида” ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар тadbирларнинг методологик асоси сифатида хизмат қилади.

Тadbирларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Илмий тadbирлар мавзуси республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Республикада педагог-кадрлар малакасини оширишнинг педагогик асослари, ташкилий-методик шарт-шароитлари, тамойиллари, ушбу жараёни ташкил этишга қўйилаётган ижтимоий-педагогик талаблар, ахборот-коммуникация технологияларининг педагог кадрлар малакасини оширишдаги ўрни, педагогларнинг касбий ривожланишида коммуникатив компетентликка эга бўлишнинг аҳамияти Р.Ҳ.Жўраев, У.И.Иноятов, М.Арипов, М.М.Камилов, Ш.Э.Қурбонов, Т.Ф.Бекмуротов, Т.Ф.Жўраев, У.Ш.Бегимқулов, А.Р.Ҳоджабоев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Х.Ф.Рашидов, Н.И.Тайлоқов, О.Х.Туракулов, Ж.А.Ҳамидов, Ш.С.Шодиев, О.Ж.Бобомуродов, А.Х.Нишонов, Р.Ҳ.Ҳамдамов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатларида раҳбар ходимлар малакасини оширишнинг илмий-назарий ва педагогик асослари, таълим сифати менежментини такомиллаштириш масалалари Н.Хомский, Л.А.Петровская, А.В.Хуторский, Д.А.Иванов, Л.Н.Булыгина, Т.А.Махрачева, О.Н.Орлова ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Хорижий олимлардан R.V.Lang-Akan, L.M.Spenser, J.Milo, R.L.Draft ва бошқалар профессионал таълим тизимида раҳбар ходимларни малакасини ошириш жараёнида зарурий компетенцияларини ривожлантириш бўйича тadbирлар олиб боришган.

Илмий кузатишлар ва таҳлилларга кўра касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида раҳбарларининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантирувчи механизмлар тўлиқ тadbир этилмаганлиги ушбу тadbирлар мавзусини “Раҳбар ходимларни бошқарув фаолиятига тайёрлашда коммуникатив компетентликни ривожлантириш” деб номланишига асос

бўлди. Шундан келиб чиқиб, профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини малакасини ошириш жараёнида тармоқ ўзаро ҳамкорлик асосида коммуникатив компетентлигини ривожлантириш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Жамиятни маънавий – ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилиқ тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини бошқарув фаолиятига тайёрлашда коммуникатив компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

компетенциявий ёндашув асосида раҳбар ходимларни бошқарув фаолиятига тайёрлашда коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик асосларини аниқлаш;

профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини малакасини ошириш бўйича ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш, компетенциявий ҳамда кластерли ёндашув асосида ўқув методик таъминотини мазмунан такомиллаштириш;

компетенциявий ёндашув асосида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини малакасини ошириш жараёнининг ташкилий-педагогик тузилмасини, методик моделини ишлаб чиқиш ва амалиётда татбиқ этиш;

раҳбар ходимларни бошқарув фаолиятига тайёрлашда коммуникатив компетентликни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш, халқаро тажрибаларга асосланган малака ошириш тизимини жорий этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

раҳбар ходимларни бошқарув фаолиятига тайёрлашда коммуникатив компетентлигини ривожланганлик даражасини аниқлашнинг параметрлари, индекаторлари ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини малакасини ошириш орқали бошқарув фаолиятига тайёрлашда коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети малака ошириш жараёнидараҳбар ходимларни бошқарув фаолиятига тайёрлашда коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг мазмуни, шакли, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик, психологик ва методик манбалар, дидактик материаллар, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-меъёрий хужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, суҳбат, кузатиш, анкета сўрови, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба, тадқиқот

натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

профессional таълим муассасаси раҳбар ходимларини малакасини ошириш жараёни андрагогик ва компетенциявий ёндашувларни қўллаш ҳамда касбий стандарт талабларини (меҳнат ҳаракатлари, зарурий билимлар ва кўникмалар) аниқлаш орқали таълим муҳитини лойиҳалаш ва моделлаштириш каби функциялар ёрдамида мазмунан такомиллаштирилган;

компетенциявий ёндашув асосида раҳбар ходимларни бошқарув фаолиятига тайёрлашда коммуникатив компетентликни такомиллаштиришга қаратилган тузилмавий-мантқиқий модели (мазмунли, фаолиятли, ташхислаш) компонентлари трансформацион блокларни мантиқий узвийлигини (ахборотли, изоҳли, таҳлилий) таъминлаш асосида ишлаб чиқилган;

профессional таълим, ишлаб чиқариш ва бандликка кўмаклашиш ташкилотлари тармоқ ўзаро ҳамкорлигининг функционал (Axiologist, Integral) вазифаларини аниқлаштириш орқали раҳбар ходимларни коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методикаси (Projecting, Researching, Case-study, Cluster-Pyramid) визуал дастурлаш тилидан (Visual C++) фойдаланиш асосида такомиллаштирилган;

профессional таълим муассасалари раҳбар ходимларни коммуникатив компетентлигининг ривожланганлик даражаларини (репродуктив, продуктив, креатив) баҳолаш мезонлари касбий стандартда белгиланган умумлаштирилган меҳнат вазифаларини аниқлаштириш (таълим муассасасини бошқариш, ривожлантириш, ресурслардан фойдаланиш) асосида такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

малака ошириш курсларида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда “Таълимда менежмент ва маркетинги” ўқув модулидан мустақил ишларни ахборот таълими муҳитида ташкил этишга қаратилган мустақил иш йўриқномалари ҳамда ўқув-дидактик таъминоти, ахборот таъминоти, фанлар бўйича ахборотлар базаси, жумладан, малака ошириш тингловчиларининг мустақил ишлари самарадорлигини оширишга доир методик қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

профессional таълимда малака ошириш курсларини ташкил этишга, коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришга ҳамда бошқарув фаолиятига тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган «Таълимда менежмент ва маркетинги» модули бўйича электрон таълим ресурслари яратилган;

профессional таълим муассасалари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш жараёнида коммуникатив компетентлигини ривожлантириш, бошқарув фаолиятини такомиллаштириш бўйича малака ошириш ўқув модулларига доир методлар, объектив аниқлаш имкон берувчи ўқув-дастурий воситалар, услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик таҳлиliga асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, профессионал таълим раҳбар ходимларини малакасини ошириш жараёнида тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида бошқарув фаолиятини олиб боришлари, ижтимоий тармоқларда фаолликни ошириш натижасида бандликка кўмаклашиш ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллий ҳокимият, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга эришилган; раҳбар ходимларнинг бошқарув фаолияти учун зарурий компетенциялар таркиби аниқлаштирилиб, ижтимоий тармоқларда ўзаро ҳамкорликни ташкиллаштириш ва бошқариш, ҳамкорликни ривожлантирувчи веб-сайтни ишлаб чиқиш, электрон портфолиони ривожлантириш амалга оширилган; раҳбар ходимларнинг тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг методик модели ишлаб чиқилиб, баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалари танланган ва асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методик моделининг самарали ишлашига ёрдам берадиган педагогик шарт-шароитларни аниқлаш ва синовдан ўтказиш; малака ошириш курси модулларидан тингловчиларнинг топшириқларни бажариши бўйича услубий кўрсатмалар, шунингдек малака ошириш курси тингловчиларининг бошқарув фаолиятини ривожлантириш бўйича педагогик дастурий маҳсулотини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этилиши билан ҳамда малака ошириш жараёнида раҳбар ходимларни бошқарув фаолиятини такомиллаштиришда, коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда, шунингдек, профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимларининг бошқа корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро манфаатли тармоқ ўзаро ҳамкорлик ишларини олиб боришида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Профессионал таълим тизими раҳбар ходимларни бошқарув фаолиятига тайёрлашда коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга оид “Раҳбар ходимларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш кластери” номли методик қўлланма, “Таълимда менежмент ва маркетинг” ўқув модули бўйича изоҳли луғат профессионал таълим тизими педагогик фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва

ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги №19-03-4487 сонли маълумотномаси). Мазкур методик кўлланмалар профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожланишига хизмат қилган;

профессионал таълимда раҳбар ходимларнинг коммуникатив компетентлиги ривожлантирининг кластерли пирамидасини ташкил этиш, таълим, ишлаб чиқариш ва бандликка кўмаклашиш марказлари ўртасидаги тармоқ ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш, веб-сайт, электрон портфолио, методик модел ва “Уюлмаган ёшларни бандлигини таъминлашнинг маълумотлар базасини бошқариш тизими” номли ахборий-дастурий ва методик тавсиялар профессионал таълим тизими педагогик фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги 19-03-4487-сон маълумотномаси). Мазкур ахборий-дастурий ва методик тавсиялар раҳбар ходимларни башқарув фаолиятида коммуникатив компетентлигини ривожланишига хизмат қилган;

профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожланганлик даражасини аниқлаш ва “Таълимда менежмент ва маркетинги” малака ошириш модули учун янада долзарб ва оммабоп ўқув-услубий ёрдамни амалга ошириш мақсадида коммуникатив компетентликни ривожланганлик даражасини баҳолаш бўйича баҳолаш мезонлари (мотивацион, когнитив, рефлексив, фаолиятли) ишлаб чиқилган ҳамда малака ошириш жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 ноябрдаги №19-03-4487 сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиялармалака ошириш курсининг сифати ва самарадорлигини ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 4 та республика илмий-услубий журналларида, 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, 140 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, шунингдек, тадқиқот иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Профессионал таълим тизимида раҳбар ходимларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида профессионал таълим раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлиги педагогик феномен сифатида кўриб чиқилган. Тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методик модели ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, профессионал таълим раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожланганлик даражаларини баҳолаш мезондари кўрсатиб ўтилган.

Таълим муассасаси раҳбарининг коммуникатив компетентлигининг мураккаблиги, тузилмаси ва кўп жиҳатлилиги унинг замонавий педагогиканинг мустақил феномени сифатида ўрганилишига замин яратади. Коммуникатив компетентликнинг мазмуни таълим муассасасининг раҳбари олдида турган мақсадларни амалга ошириш орқали аниқланади, шу муносабат билан таълим соҳасидаги бошқарув фаолиятида коммуникатив компетентликка эришиш мақсадлари қуйидагича шакллантирилиши мумкин:

- таълим ташкилоти раҳбарининг меҳнат вазифаси доирасидаги вазифаларни сифатли бажариш учун зарур бўлган маълумотларни қабул қилиш, етказиш ва улардан фойдаланиш;

- бошқаларнинг, айниқса, таълим муассасаси ходимларининг хатти-ҳаракатларини, уларнинг ташкилот фаолияти ва ривожланишининг мақсад ва вазифаларига муносабатини бошқариш;

шахсий ва касбий мулоқотга бўлган ўз эҳтиёжларини қондириш, ўз-ўзини ривожлантириш ва рефлексия.

Профессионал таълим тизими раҳбарининг коммуникатив компетентлиги – бу унинг мотивлашган хоҳиши, қобилияти ва профессионал таълим тизими натижалари ва самарадорлиги билан қизиқиши, касбий фаолият доирасида бошқа субъектлар билан оғзаки, ёзма ва компьютер воситачилигида ўзаро ахборот ва тажриба алмашишни самарали амалга оширишга тайёрлигидир.

Коммуникатив компетентликнинг таркибий тузилиши таълим муассасаси раҳбарига қўйиладиган талаблар билан белгиланадиган мотивацион, рефлексив, когнитив ва фаолиятли компонентлари билан ифодаланади.

Коммуникатив компетентлик раҳбарнинг профессионал таълим тизимидаги касбий фаолияти самарадорлигида муҳим рол ўйнайди. Унинг таркибида профессионал таълим тизимининг раҳбари мулоқотининг барча хилма-хил шакллари, яъни оғзаки, ёзма ва компьютер воситачилигини ҳисобга олувчи ахборот, таҳлилий, интерпретацион ва инструментал компонентларни ўз ичига олган мураккаб формация ҳисобланади.

Профессионал таълим тизими раҳбарларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёнини уларнинг мотивацияси, қобилияти ва профессионал таълим тизимининг натижалари ва самарадорлигига қизиқиши, бошқа мавзулар билан оғзаки, ёзма ва компьютер воситасида ўзаро ахборот ва тажриба алмашишни самарали амалга оширишга тайёрлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий ва ажралмас психологик-педагогик жараён сифатида тушунилади.

Тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган методикмодел тизимли-функционал турга эга вапрофессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш қўйидаги шароитларда янада самарали бўлади:


- “Тармоқ ўзаро ҳамкорлик асосида профессионал таълим тизими раҳбарлари коммуникатив компетентлигини ривожлантириш” тушунчаси манбаи белгиланган бўлса уларни мақсадли ривожлантириш оптимал педагогик шакллар ва усуллари аниқлаш;

- тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-функционал моделини ишлаб чиқишда, мақсад, мазмун, фаолият, мезонлар ва баҳолаш блоклари орқали ифодалаш;

- модулли ўқитиш технологияси асосида уларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш даражасини ошириш учун тармоқлараро ҳамкорликнинг имкониятлари ва афзалликларидан фойдаланган ҳолда педагогик жараённинг методик таъминоти ишлаб чиқиш;

- профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш учун модулли ўқитиш технологиясини самарали амалга оширишга кўмаклашувчи педагогик шарт-шароитлар мажмуи аниқлаш ва тажриба-синовдан ўтказиш.

Коммуникатив компетентликни аниқлаш, шунингдек, ушбу турдаги компетентликни мақсадли психологик-педагогик жараён сифатида ишлаб чиқиш, профессионал таълим дастурларини амалга оширишда ўз педагогик амалиётимизни таҳлил қилиш бизга профессионал таълим муассасалари раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришни амалга ошириш моделини ишлаб чиқиш имконини берди. Тизимли равишда моделга мақсад, мазмун, фаолият, мезонлар ва баҳолаш ҳамда натижа блоклари киритилди (1-расм).



1-расм. Профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини бошқарув фаолиятга тайёрлашда коммуникатив компетентлигини ривожлантириш модели

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган моделни амалга оширишдан мақсад тармоқлараро ҳамкорлик шароитида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришдан иборат.


Ишлаб чиқилган моделнинг мазмун компоненти мазмуни қуйидаги концептуал ёндашувларга асосланади: компетентликка асосланган, шахсга йўналтирилган, фаолиятга асосланган ва аксиологик.

Таклиф этилаётган модел доирасида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини унинг ривожланиш даражалари бўйича баҳолаш, бу компетентликни босқичма-босқич оддийдан мураккабга, энг паст даражадан энг юқори даражагача ривожлантиришнинг диалектик хусусиятини ифодалайди.

Диссертациянинг **“Профессионал таълим тизими раҳбарларини бошқарув фаолиятига тайёрлашда коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-методик таъминоти, профессионал таълим ва бандликка кўмаклашиш ташкилотларининг интеграциясини таъминлаш – раҳбар ходимларни коммуникатив компетентлигини ривожлантириш омили эканлиги, бундан ташқари малака ошириш жараёнида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини коммуникатив компетентлигини ривожлантириш методикаси келтириб ўтилган.

Ишлаб чиқилган методик модел доирасида тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик муносабатларида профессионал таълим тизими ва таълимни ривожлантириш институти раҳбарларининг иштирокини қуйидагича ифодалаш мумкин (2-расм). Умуман, профессионал таълим тизими раҳбарлари коммуникатив компетентлигини ривожлантириш моделини амалга ошириш доирасида тармоқ ҳамкорлик остида профессионал таълим бошқарув ходимлари барча тоифалари учун сифатли таълим мавжудлигини таъминлайди. Тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик шароитида ташаббус субъектлари нафақат малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти, балки “Таълимда менежмент ва маркетинги” малака ошириш модули доирасида ўқитиладиган профессионал таълим тизими раҳбарларининг ўзлари ҳам ҳисобланади. Бу эса профессионал таълим тизими раҳбар ходимларида коммуникатив компетентлигини ривожлантириш ва тармоқлараро ўзаро ҳамкорликни, коммуникатив компетентликни ривожлантиришнинг муҳим педагогик шарти сифатида фаоллаштириш ва бошқарув ходимларининг ягона ахборий-методик маконда ўзаро мулоқот қилиш ва фаол иштирок этиш мотивациясини доимий равишда қўллаб-қувватлаш имконини берди.

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тармоқлараро ўзаро ҳамкорлигининг биринчи йўналиши-бу профессионал таълим тизими раҳбарлари ва ўқитувчилари ўртасида алоқа ва ахборот алмашинувини таъминлаш учун ахборот платформасини шакллантиришдир.



2-расм. Профессional таълим тизими раҳбар ходимларини коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда тармоқ ўзаро ҳамкорлик имкониятларидан фойдаланиш

Профессional таълим тизими раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга қаратилган “Таълимда менежмент ва маркетинги” малакасини ошириш модулини ўқитишда тармоқлараро ҳамкорликнинг қуйидаги йўналишларидан фойдаланилади:

- профессионал таълим муассасаси раҳбари ўқув дастури (модулар, фанлар)нинг бир қисmini ўзлаштиришнинг асосий жойини шахсий компьютер билан жиҳозланган ва интернетга кириш имконини берувчи исталган қулай жойга ўтказиш;
- бошқа таълим ташкилотлари, илмий ташкилотлар, корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг ўқитувчиларини жалб қилиш;

- тармоқ таълим муассасалари учун профессионал ташкилотлари раҳбарлари учун илғор ўқув курсларини илғор таълим ташкилоти асосида ўтказиш;

- таълим дастурларининг масофавий шакллари амалга ошириш учун ўқув ва бошқа ахборот ресурсларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш.

Тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида профессионал таълим тизими раҳбарларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш моделини ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йиллар давомида тўпланган тажриба-синовлар асосида таҳлил қилинди.

Таълим муассасалари битирувчиларининг шахсий сифат ва фазилатларини ривожлантириш, касбий ўз-ўзини ривожлантириш ва ҳар қандай ишлаб чиқариш муҳитига мослашувчанлик қобилиятини ривожлантиришга ҳаракат қилади. Бандликка кўмаклашиш марказлари таълим муассасаси раҳбарлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан узлуксиз ҳамкорлик олиб бориш орқали профессионал таълим битирувчиларини тегишли малака талабларида келтирилган касбий фаолият турларига тайёргарлигини назорат қилиш, муносиб иш ўрни билан таъминлаш каби истиқболдаги режаларни ҳамкорликда белгилаши мумкин.

Бандликка кўмаклашиш марказларида кўп даражали, мураккаб тизим сифатида ўқув кластерини шакллантириш куйидаги тамойилларга мувофиқ фаолият кўрсатади:

- Тизимли-ўқув кластери интеграллашган, мураккаб, кўп даражали тизим сифатида қаралади. Кластер тизимларининг асосий афзалликлари глобал миқёсда ҳамда мослашувчанликда бошқарувнинг нисбий қулайлигидир;

- Барқарорлик-ўқув кластери ташқи таъсирларга чидамли, чунки у асосан ички ресурслар ҳисобига ишлайди, технологик воситалар ёрдамида амалга ошириш ва модернизация қилиш осон;

- Синергетик-ўқув кластерида ташқи ва ички муҳитнинг ўзаро таъсири ўз-ўзини ривожлантиришга, ўз-ўзини ташкил этишни амалга оширишга олиб келадиган синергетик самарага олиб келади;

- Мослашувчанлик ва ўзгарувчанлик-янги компонентни кўшиш унинг ишлашини яхшилади, уни олиб ташлаш эса ҳалокатли оқибатларга олиб келмайди, бу эса оптималлик жиҳатидан барқарорлик ва ривожланишни таъминлайди.

Раҳбар кадрлар малакасини оширишга йўналтирилган уларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш бўйича ўқув кластери куйидаги замонавий талабларга жавоб беради:

- ✓ кластерли ёндашув тамойилларини амалга ошириш керак (чидамлик, мураккаблик, тармоқ ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, шахсий ва профессионал ўсиш ва ҳоказо.);

- ✓ коммуникатив компетенцияларни шакллантиришнинг муваффақиятини таъминловчи ўзаро таъсир механизмларини яратиш:

- профессионал таълим ва бандликка кўмаклашиш марказлари ходимларидан иборат Васийлик кенгашлари ва ҳамкор бирлашмаларни шакллантириш;
- профессионал таълим моддий-техник таъминоти;
- тингловчиларни мақсадли малакасини ошириш;
- тингловчиларни малакасини ошириш жараёнига малакали мутахассисларни жалб этиш;
- тингловчиларни малакасини ошириш жараёнига бандликка кўмаклашиш марказларининг малакали ходимларини жалб этиш;
- битирувчиларни иш билан таъминлаш чораларини кўриш;
- иш берувчилар ва бандликка кўмаклашиш марказлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш.

Коммуникатив компетенцияларни шакллантириш кластерининг рефлексив баҳолаш компонентини шакллантириш учун махсус семинарлар, тест вазифалари ишлаб чиқилди, шунингдек, ролли ўйинлари ўтказилди, масалан, вилоят миқёсида бошқарув органлари мутахассислари иштирокида “Профессионал таълим ва бандликка кўмаклашиш ташкилотининг ўзаро таъсири”, бу ерда тингловчиларнинг рефлексив ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди.

Профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини малакасини ошириш жараёнида интеллектуал фикрлаш қобилиятларини, коммуникатив компетентлигини ривожлантириш, раҳбар ходимларни мустақил равишда дастурий маҳсулотлар яратишга йўналтириб ўқитиш, дастурий маҳсулотларнинг имкониятларини узлуксиз ривожлантириб бориш орқали бошқарув касбий фаолиятга тайёрлаш амалга оширилди. Бу ўз навбатида малака ошириш сивати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бандликка кўмаклашиш марказлари ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида “Уюшмаган ёшларни бандлигини таъминлашнинг маълумотлар базасини бошқариш тизими” номли электрон дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Ишлаб чиқиш жараёнида тингловчиларнинг иштироки таъминланди ва таклифлари инобатга олинди. Дастурни ишлаб чиқиш малака ошириш жараёнида олиб борилди ҳамда таълим методлари қўлланилди.

Диссертациянинг **“Тажриба-синов ишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг таҳлилий натижалари келтирилган.

Тажриба ишлари Тошкент шаҳри касб-ҳунар таълими бошқармаси, Тошкент вилояти касб-ҳунар таълими бошқармаси, Сурхондарё вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасида ҳамда олий таълим муассасаларидауч босқичда амалга оширилди. Эмпирик тадқиқот ишида профессионал таълим тизимининг раҳбар ходимлари, шу жумладан, “Таълим менежменти ва маркетинги” янгиланган малака ошириш дастури бўйича малака ошираётган тажриба гуруҳининг 186 нафар иштирокчиси ва назорат гуруҳининг 180 нафар иштирокчилари қатнашди.

Биринчи босқичда тадқиқот мавзуси бўйича адабиётларни танлаш ва таҳлил қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув материаллари, педагогик маҳорат ва унинг ривожланиш жараёни, моҳияти, мазмуни ва таркибий қисмлари, педагогик экспериментнинг аниқлаш ва назорат қилиш босқичлари бўйича педагогик диагностика мезонлари ва баҳолаш тузилмасини ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқичда амалий профессионал тажрибалар асосида тажрибаларни умумлаштириш, адабиётларни ўрганиш, педагогик тадқиқотларда ғоялар, мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш, диссертациянинг методологик тузилмасини белгилаш, тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш амалга оширилди. Шунингдек, муаммоларни тўплаш ва таҳлил қилиш, коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришда профессионал таълим жараёнининг шакллари аниқлаш, педагогик тажриба-синов ўтказиш, фанлар блокининг тегишли мажбурий ва факультатив модуллар шаклида коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришнинг ўқув-услубий қўлланмаларини ишлаб чиқиш амалга оширилди.

Учинчи босқич шакллантирувчи педагогик тажриба-синовни ўз ичига олиб, унда ишлаб чиқилган методик қўлланмалардан таълим жараёнида фойдаланиш орқали профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга қаратилган таълим жараёнининг ташкилий-методик таъминоти амалга оширилди. Назорат босқичида тажриба ишлари натижалари баҳоланди ва шарҳланди, таълим жараёни мавзулари бўйича тавсия ва хулосалар шакллантирилди ва тизимлаштирилди.

Педагогик тажриба-синовнинг аниқловчи босқичи учун ўхшаш кўрсаткични аниқлаш унинг қиймати 0.5 га тенг эканлигини кўрсатди. Бу эса тажрибанинг аниқловчи босқичида назорат ва тажриба гуруҳларига киритилган профессионал таълим тизими раҳбар ходимларининг ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эканлигини кўрсатади. Ҳисоб-китоблар натижалари тингловчиларнинг компетенцияларини шакллантиришда муаллифнинг ҳолис муносабати ҳақида хулоса қилиш имконини беради ва тажриба-синов ишлари натижаларининг ишончлилигини кафолатлайди.

Нazorat босқичида (ишлаб чиқаришда) профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини касбий фаолиятга тайёрлашда назорат ва тажриба гуруҳларида фаол мулоқот ва фаол тинглаш, янги алоқаларни шакллантирилди, тажриба гуруҳида коммуникатив компетентликни ривожлантиришда ўсиш даражасини кўрсатди. Мезонлар бўйича баҳолаш шуни кўрсатадики, когнитив ва мотивацион компонентга нисбатан энг катта ўзгариш кузатилган (1-жадвал).

